

Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-март ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 496,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 100,8 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	якунга нисбатан фоиз
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	496,7	100,8	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	40,8	52,5	8,2
бюджет маблағлари	29,7	73,3	6,0
давлат мақсадли фонд маблағлари	-	-	
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	
бюджетдан ташқари фонdlар	5,9	27,4	1,2
хукумат кафолати остида чет эл кредитлари	5,2	39,3	1,1
Марказлашмаган инвестициялар	455,9	108,8	91,8
корхоналарнинг ўз маблағлари	170,0	215,5	34,1
аҳоли маблағлари	185,6	123,7	37,4
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	39,8	26,2	8,0
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	60,5	129,9	12,2

2017 йил январь-мартда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби қуйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	496,7	52,8	443,9
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	52,7	36,2	54,7
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	37,2	42,9	36,5

Бошқа ҳаражатлар

10,1

20,9

8,8


Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-мартга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 3,4 фоизли пунктга хамда, бошқа ҳаражатларнинг улуши 1,9 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши эса 5,3 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича қўйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

Январь-декабрь
2015 й.

Январь-декабрь
2016 й.



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, бут билан таъминлаш ва ҳавони кондиционлашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиби ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишланиш
- Курилиши
- Профессионализмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-мартда умумий майдони 238,8 минг кв,м бўлган 1768 та (2016 йил январь-мартга нисбатан 122,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 184,0 минг кв,м, (129,7 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 243,8 млрд, сўми ёки 79,0 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-хунар колледжлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-хунар колледжларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида инвестициялар ўзлаштирилмади.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида инвестициялар ўзлаштирилмади.

Коммунал қурилиш соҳасида 28,4 км узунликдаги ичимлик суви, 5,8 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 91,0 ва 87,9 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари хисобига 2039,0 млн, сўм газ тармоқлари қурилишига эса 56,3 млн, сўм миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-мартда 453,9 млрд, сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 112,2 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 64,8 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 6,0 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 29,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 79,3 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 445,9 млрд, сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 98,2 фоизни (2016 йил январь-мартга нисбатан ўсиш суръати 113,1 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қўидагида ифодаланади:

Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

